

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2018 йил 30 январдаги 3-сонли қарорига
ИЛОВА

Капитал билан операциялар ҳисобини
шакллантириш бўйича вақтинчалик услубий низом

Капитал билан операциялар ҳисобини шакллантириш бўйича вақтинчалик услубий низом (кейинги ўринларда – вақтинчалик услубий низом) макроиктисодий ҳисоб-китоблар услубиятини “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” (кейинги ўринларда – МҲТ-2008) қўлланмасига мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида тайёрланди ва капитал билан операциялар ҳисобини шакллантириш тартибини белгилайди.

Мазкур вақтинчалик услубий низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан капитал билан операциялар ҳисобини шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу вақтинчалик услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

номолиявий активлар – ишлаб чиқарилган (асосий фондлар, моддий айланма воситалар ва қимматбаҳо буюмлар) ва ишлаб чиқарилмайдиган активларни ўз ичига оловчи активлар;

асосий фондлар – бу ишлаб чиқариш жараёнида бир йилдан ортиқ, узлуксиз ёки кўп мартаба фойдаланиладиган ишлаб чиқарилган активлар;

моддий айланма воситалар – жорий ёки олдинги даврларда пайдо бўлган ва кейинчалик сотиш, ишлаб чиқариш жараёнида ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган товар ва хизматларни ўз ичига оловчи ишлаб чиқарилган активлардир;

қимматбаҳо буюмлар – бу нархи бир мунча юқори бўлган ишлаб чиқарилган товарлар бўлиб, асосан ишлаб чиқариш ёки истеъмол мақсадларида фойдаланилмайди, лекин қанчадир муддат мобайнида захира сифатида сақланади;

ишлаб чиқарилмайдиган номолиявий активлар – ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсули бўлмаган активлар (табiiй ресурслар; битимлар, ижара шартномалари, лицензиялар; эришилган гудвилл ва маркетинг активлари);

асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши – бу ҳисобот даврида ишлаб чиқарувчи томонидан сотиб олинган асосий фондлар (чиқиб кетган асосий фондлар қийматини айирган ҳолда) ва ишлаб чиқарилмайдиган активларнинг қийматини оширувчи баъзи хизматлар учун харажатларнинг умумий қиймати;

ялпи жамғариш – бу ялпи ихтиёрдаги даромаднинг якуний истеъмол учун сарфланмаган қисми ҳисобланади;

капитал трансфертлар – бу ёки трансфертни амалга оширувчи тараф активларни ўтказиб бериш (нақд пул воситалари ва моддий айланма воситалардан ташқари) ё молиявий талабни тўлаш (дебитор қарздорликдан ташқари) йўли билан тегишли ресурслардан фойдаланадиган, ёки трансферт олувчи тараф айрим активларни (нақд пул воситаларидан ташқари) сотиб олиши керак бўлган, ёки икки шарт ҳам амалда бўлган ҳолатдаги беғараз трансфертлар;

асосий капитал истеъмоли – ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарувчига тегишли бўлган ва у томонидан фойдаланиладиган асосий фондлар захираси жорий қийматининг жисмоний эскириш, меъёрий маънавий эскириш ёки тасодифий шикастланиш оқибатида камайиши.

2. Капитал билан операциялар ҳисобининг таркиби

2. Капитал билан операциялар ҳисоби (кейинги ўринларда – Ҳисоб) МҲТ даги тўртта жамғарма ҳисобларининг биринчиси бўлиб, ушбу ҳисоб институционал резидент-бирликларнинг операциялардаги иштироки натижасида орттириладиган ёки сотиладиган номолиявий активлари қийматини ифодалайди ҳамда жамғарма ва капитал трансфертлар ҳисобига капитал соф қийматидаги ўзгаришни акс эттириди.

3. Ҳисобнинг ўнг томонида мажбуриятлар ва капиталнинг соф қийматидаги ўзгаришлар акс эттирилади. Капитал билан операцияларнинг асосий молиялаштириш манбаи бўлиб, ихтиёрдаги даромадни ишлатилиши ҳисобидан ўтган балансловчи модда – ялпи жамғариш ҳисобланади. Ушбу операцияларнинг бошқа молиялаштириш манбаи бўлиб, бериб юборилган капитал трансфертларни айирган ҳолдаги олинган капитал трансфертлар ҳисобланади.

4. Жамғарма ва капитал трансфертлар биргаликда ялпи ички маҳсулотнинг элементи ҳисобланган жамғарма шаклидаги номолиявий активларни ва ишлаб чиқарилмайдиган номолиявий активларни сотиб олиш учун иқтисодиётда қанча ресурслар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу йиғинди жамғарма ва капитал трансфертлар ҳисобига капитал соф қийматидаги ўзгаришлар деб номланувчи алоҳида кўрсаткич сифатида акс эттирилади.

5. Ҳисобнинг чап томонида номолиявий активларга киритилган турли инвестициялар (асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши, сотиб олинган қимматбаҳо буюмларнинг соф қиймати, сотиб олинган ишлаб чиқарилмайдиган номолиявий активларнинг соф қиймати) ва асосий капиталнинг истеъмоли акс эттирилади.

6. Капитал билан операциялар ҳисобининг балансловчи моддаси соф кредитлаш – бу жамғарма ва капитал трансфертлар ҳисобига капитал соф қийматидаги ўзгаришлар ва сотиб олинган номолиявий активларнинг соф қиймати ўртасидаги фарқ сифатида (сотиб

олинган номолиявий активлардан чиқиб кетган номолиявий активларни ва асосий капитал истеъмолини айирган ҳолда) аниқланади. Агар ушбу қиймат манфий бўлса, унда соф қарздорликни ифодалайди. Ушбу кўрсаткич кредит сифатида тақдим этилиши мумкин бўлган ёки қарз сифатида олинishi керак бўлган ресурслар қийматини билдиради. Иқтисодиёт миқёсида ушбу балансловчи модда мамлакатнинг ташқи дунё сектори ихтиёрига тақдим этган ёки ташқи дунё сектори ушбу мамлакатга тақдим этган ресурслар миқдорини ақс эттиради.

7. Капитал билан операциялар ҳисоби 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ, жами иқтисодиёт бўйича ва иқтисодиётнинг институционал секторлари бўйича шакллантирилади.

3. Капитал билан операциялар ҳисобини шакллантириш

8. Ушбу ҳисобда қуйидаги номолиявий активлар билан операциялар ақс эттирилади:

- асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши;
- асосий капитал истеъмоли;
- моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши;
- сотиб олинган қимматбаҳо буюмларнинг соф қиймати;
- сотиб олинган ишлаб чиқарилмайдиган номолиявий активларнинг соф қиймати.

9. Капитал билан операциялар ҳисобини шакллантиришда 2-иловада келтирилган номолиявий активлар таснифлагичидан фойдаланилади.

10. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қуйидагилардан иборат:

- ҳисобот даври давомида ишлаб чиқарувчи томонидан асосий фондларнинг сотиб олинishi (чиқиб кетган асосий фондлар қийматини айирган ҳолда) қиймати;
- ишлаб чиқарилмайдиган активларни яхшилашга харажатлар (масалан, ер);
- ишлаб чиқарилмаган активларга эгалик ҳуқуқини ўтказиб бериш бўйича харажатлар.

11. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ўз ичига қуйидагиларни олмайди:

- узоқ вақт хизмат қилишидан қатъий назар майда асбоблар, ишчилар кийимлари, усқунани таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ўлчаш усқуналари, лаборатория усқуналарига оид асбобларни сотиб олиш (оралиқ истеъмолга киради);
- уй хўжаликлари томонидан ўзлари истеъмол қилишлари учун сотиб олинадиган узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар (уй хўжаликлари секторининг якуний истеъмоли учун харажатларига киради);
- эгаси учун иқтисодий манфаат бермайдиган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар (оралиқ истеъмолга киради);

- буюртмачи билан шартномасиз ҳамда бажарилган ишлар учун тўлов ўтказилмаган ҳолда амалга оширилган тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган капитал таъмирлаш ишларига харажатлар (моддий айланма воситалар захирасининг ўзгаришига киради);

12. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини ҳисоблашда маълумотлар манбайи бўлиб, инвестицион фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларнинг давлат статистика ҳисоботлари ва якка тартибдаги турар ва нотурар жойларни қурувчи шахсларнинг статистик кузатув натижалари ҳисобланади. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ҳисобининг негизида, МХТ концепциясига асосан киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда “Асосий капиталга инвестициялар” кўрсаткичи ётади.

13. Асосий капиталнинг истеъмоли капитал билан операциялар ҳисобининг чап томонида бутун иқтисодиёт ва секторлар асосий капитали қийматининг камайишини кўрсатиб берувчи, активларнинг салбий ўзгариши сифатида қайд этилади. Бу қайд ҳисобнинг ўнг тарафида соф жамғариш акс этсагина амалга оширилади.

14. Моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва қайта сотиш учун товарларнинг ўзгаришини ўз ичига олади.

15. Ишлаб чиқариш захиралари корхона томонидан ишлаб чиқаришда оралик харажатлар сифатида фойдаланиш учун захирада ушлаб турилган барча товарларни ўз ичига олади. Бу тоифага хом-ашё, материаллар, ёнилғи, бутловчи буюмлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, канцелярия товарлари ва бошқала киради.

16. Тугалланмаган ишлаб чиқариш корхона томонидан ишлаб чиқарилган, лекин бошқа институционал бирликларга етказиб берилмаган даражада етарлича ишлов берилмаган маҳсулотлардан иборат. Тугалланмаган ишлаб чиқаришга ўсимликлар ва дарахтлар, шунингдек, ёш моллар, боқувдаги моллар, маҳсулдор ёки зотли паррандалардан ташқари бир марталик фойдаланиш учун (сўйиш учун) етиштирилмаган уй паррандалари киритилади. Тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган капитал таъмирлаш ишлари ҳам буюртмачи билан шартномасиз амалга оширилган бўлса ва бажарилган ишлар учун тўлов ўтказилмаган бўлса, тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилади.

17. Тайёр маҳсулот – бу бошқа институционал бирликларга етказиб берилгунга қадар ўзи ишлаб чиқарилган корхоналарда сақланмаган ва ушбу корхоналарда келгусида уларга қайта ишлов бериш мўлжалланмаган товарлардан иборат.

18. Қайта сотиш учун мўлжалланган товарларга улгуржи ёки чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарлар томонидан қайта сотиш мақсадида сотиб олинган товарлар киритилади. Қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар савдогарлар томонидан қайта ишланмайди, сотиш учун жозибадор кўриниш бериш ва қулай ҳолга келтириш (масалан, ювиш, саралаш, қадоқлаш) бундан мустасно.

19. Моддий айланма воситалар захираси фойдали қазилмалар ва бошқа табиий ресурслар захиралари қийматини ўз ичига олмайди.

20. Моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини давлат статистик кузатувлари маълумотлари асосида захиралар қийматининг ҳисобот даври боши ва охиридаги тафовути орқали ҳисобланади. Моддий айланма воситалар захирасини ҳисоблашда нархлар ўзгариши таъсир этмаслиги учун давр боши ва охири учун ҳисобот даврининг ўртача нархларида захираларни баҳолашни назарда тутувчи махсус ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

21. Моддий айланма воситалар захираси қийматининг ўзгариши ҳисобот даврининг ўртача нархларида қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$S = Sn \times \frac{\bar{I}_p}{I_{p_n}} - So \times \frac{\bar{I}_p}{I_{p_o}}, \text{ бу ерда}$$

S - ҳисобот даврида захиралар қийматининг ҳисобот даврининг ўртача нархида ўзгариши;

So, Sn - бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобот даврининг боши ва охирида захиралар қиймати;

$\bar{I}_{p_o}, \bar{I}_{p_n}$ - ҳисобот даврининг боши ва охирида захирада бўлган маҳсулотнинг сақланиб турилган давридаги ўртача нарх индексининг базис даврдаги нархга нисбати;

\bar{I}_p - ҳисобот давридаги ўртача нарх индексининг базис даврдаги нархга нисбати.

Барча индекслар ягона базис даврга нисбатан ҳисобланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот захираларини қайта баҳолаш учун нарх индекслари сифатида тегишли тармоқлардаги ишлаб чиқарувчиларнинг нарх индексларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш захираларини қайта баҳолаш учун ресурслар ва ишлатилиш жадваллари маълумотлари асосида турли хилдаги захираларнинг қайси тармоққа тегишли эканлиги аниқланади ва улар учун мос ишлаб чиқарувчилар нарх индекслари олинади. Қайта сотиладиган товарларни баҳолашда истеъмол товарлари нарх индексидан фойдаланилади.

22. Қимматбаҳо буюмлар қимматбаҳо металллар ва тошлар, антиқа буюмлар ва бошқа бадиий буюмларни ўз ичига олади. Қимматбаҳо буюмларнинг соф қиймати уларнинг сотиб олиниши ва чиқиб кетиши орасидаги фарқ орқали аниқланади.

23. Ялпи жамғариш асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалари захирасининг ўзгариши ва қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш йиғиндисидан қимматбаҳо буюмларни чиқиб кетишини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Соф жамғариш асосий капитал истеъмолини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- табиий ресурслар (ер, минерал ва энергетик фойдали қазилмалар

ресурслари, етиштирилмайдиган биологик ресурслар, сув ресурслари, радио тўлқинлар диапазонлари ва бошқалар);

- битимлар, ижара шартномалари ва лицензиялар (муомаладаги операцион лизинг битимлари, табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатномалар, келажакда истисно тариқасида товар ва хизматларни олиш ҳуқуқи);
- сотиб олинган гудвилл ва маркетинг активлари.

Соф ишлаб чиқарилмаган активларни сотиб олиш шу кўринишдаги сотиб олинган активлардан чиқиб кетган активларни чегириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Ишлаб чиқарилмаган активларга эгалик ҳуқуқининг топширилиши билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқарилган активлар сифатида қаралади ва асосий капитал ялпи жамғарилишининг алоҳида тоифаси сифатида акс этади. Шунингдек, ерларни яхшилаш ва ерга эгалик ҳуқуқининг топширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши таркибида кўрсатилади ва асосий фондлар сифатида акс этади.

25. Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар тўғрисида маълумотларни шакллантиришнинг ахборот манбаи бўлиб, қорхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаолиятини давлат статистика кузатув шакллари ҳисобланади.

26. Олиниши лозим бўлган капитал трансфертлар капиталнинг соф қийматини оширади ва мос равишда ҳисобнинг ўнг томонида акс эттирилади. Тўланиши лозим бўлган капитал трансфертлар ҳам ҳисобнинг ўнг томонида манфий белги билан акс эттирилади (яъни, улар капиталнинг соф қийматини камайиб кетишига олиб келади).

Капитал трансфертлар қуйидагиларга ажратилади:

- капитал учун солиқлар;
- инвестицион грантлар;
- бошқа капитал трансфертлар.

Капиталга солиқлар институционал бирликларга тегишли активлар қийматидан ёки капиталнинг соф қийматидан, ёки мулк мерос қолиши, совғалар ёки бошқа трансфертлар натижасида бир институционал бирликдан бошқа институционал бирликка ўтказилган активларнинг соф қийматидан, нисбатан кам ёки номунтазам ундирилдиган солиқларни ўз ичига олади.

Инвестицион грантлар давлат бошқаруви органлари томонидан бошқа резидент ёки норезидент институционал бирликларга – асосий фондларни сотиб олишлари учун амалга ошириладиган барча харажатларни ёки уларнинг бир қисмини молиялаштириш учун мўлжалланган капитал трансфертларни ўз ичига олади.

Бошқа капитал трансфертлар капитал учун солиқлар ва инвестицион грантлардан ташқари барча капитал трансфертларни ўз ичига олади.

28. Капитал трансфертлар бўйича асосий маълумотлар манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маъмурий

маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов баланси маълумотлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаолиятини давлат статистика кузатув шакллари маълумотлари ҳисобланади.

4. Якуний коидалар

29. Капитал билан операциялар ҳисоби доирасида қуйидагилар таҳлил қилинади:

- инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг тузилиши. Бунинг учун инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий қийматида ялпи жамғариш ва капитал трансфертларнинг улуши кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади;

- инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган сиёсатнинг натижалари. Бу мақсадда, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захирасининг ўзгариши, соф қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш, шунингдек, ишлаб чиқарилмаган активларни сотиб олишнинг соф қиймати, номолиявий активлар турлари бўйича, институционал секторлар ва иқтисодий фаолият турлари кесимида ўзаро нисбати ҳисобланади.

- балансловчи модда. Иқтисодиёт учун «соф кредитлаш ёки соф қарздорлик» кўрсаткичининг қиймати мусбат сальдо бўлганда «ташқи дунё»га кредит кўринишида тақдим этилган, манфий сальдо бўлганда эса «ташқи дунё» секторидан қарзга олиниши керак бўлган ресурслар ҳажмини кўрсатади.

30. Капитал билан операциялар ҳисоби кўрсаткичлари товарлар ва хизматлар ҳисоби ҳамда ташқи дунё ҳисоби кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ. Шунга мувофиқ, уни тузишда ҳисобнинг алоҳида ва якуний кўрсаткичлари ўзаро боғланган ҳисобларнинг кўрсаткичлари билан мантиқий жиҳатдан мос келиши таъминланади.

Товар ва хизматлар ҳисоби муносабатларида капиталнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичининг барча элементлари, шунингдек, моддий айланма воситалари захирасининг ўзгариши ва соф қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш кўрсаткичлари бўйича, ташқи дунё ҳисоби учун эса жорий савдо баланси ва капитал трансфертлар кўрсаткичлари бўйича бундай мувофиқлик таъминланади.

Биринчи ҳолда, капитал билан операциялар ҳисобининг ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб, ички иқтисодиёт жами секторлари учун шакллантириладиган тегишли якуний кўрсаткичлар ҳисобланади. Иккинчи ҳолда эса, иқтисодиёт ихтиёридаги унинг секторлари соф жамғариши кўринишидаги ресурслар ва улардан номолиявий активларни шакллантиришда фойдаланиш ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи ҳамда кредитлаш имкониятини (ортикча ресурслар мавжуд бўлганда) ёки «ташқи дунё»дан қарз олиш (улар етишмаганда) заруриятини аниқлаб берувчи ҳисоблаб топилган кўрсаткичлар ўзаро боғлиқликни акс эттиради.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати

1. Миллий ҳисоблар тизими – 2008, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки, 2009й.;
2. European system of accounts – 2010, Eurostat, 2013;
3. БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Миллий ҳисоблар тизими 2008 ни Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё ҳамда Жануби-Шарқий Европа давлатларида жорий қилиш бўйича тавсиялари, БМТ ЕИК нинг Статистика бўлими, 2013й.;
4. Қайта кўриб чиқилган Миллий ҳисоблар тизими 1993 (МХТ 2008) нинг асосий қоидалари тавсифи ва уларни МДХ давлатлари статистикасида босқичма-босқич тадбиқ этиш бўйича таклифлар, МДХ Статистика қўмитаси, 2008й.;
5. Статистик терминлар энциклопедияси, Росстат, 2011й.;
6. Номолиявий корхоналар сектори учун МХТ ҳисобларини тузиш учун кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва маълумотлар манбалари, МДХ Статистика қўмитаси, 2001й.;
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 1 апрелдаги 4 – сонли Қарори билан тасдиқланган «Номолиявий активларга инвестицияларни умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом».

Капитал билан операциялар ҳисобини
шакллантириш бўйича вақтинчалик услубий низом”га

2-Илова

Номолиявий активлар таснифлагичи

Коды	Номолиявий активлар номи
AN1	ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН АКТИВЛАР
AN11	Асосий фондлар
AN111	<i>Турар жой бинолари</i>
AN112	<i>Бошқа бино ва иншоотлар</i>
AN1121	<i>Нотурар жой бинолар</i>
AN1122	<i>Бошқа иншоотлар</i>
AN1123	<i>Ерларни яхшилаш</i>
AN113	<i>Машина ва жиҳозлар</i>
AN1131	<i>Транспорт асбоб-ускуналари</i>
AN1132	<i>Ахборот, компьютер ва телекоммуникация (АКТ) ускуналари</i>
AN1133	<i>Бошқа машина ва ускуналар</i>
AN114	<i>Қуролланиш тизимлари</i>
AN115	<i>Етиштириладиган биологик ресурслар</i>
AN1151	<i>Мунтазам равишда маҳсулот берадиган жониворлар ресурслари</i>
AN1152	<i>Мунтазам равишда ҳосил берадиган дарахтлар, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва экинлари</i>
AN116	<i>Ишлаб чиқарилмайдиган активларга эгалик ҳуқуқини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар</i>
AN117	<i>Интеллектуал мулк маҳсулотлари</i>
AN1171	<i>Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар</i>
AN1172	<i>Фойдали қазилмалар захираларини ўрганиш ва баҳолаш</i>
AN1173	<i>Компьютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базаси</i>
AN11731	<i>Компьютер дастурий таъминоти</i>
AN11732	<i>Маълумотлар базаси</i>
AN1174	<i>Кўнгилочар, адабий ва бадиий санъат асарларининг асл нусхалари</i>
AN1179	<i>Бошқа интеллектуал мулк маҳсулотлари</i>
AN12	Моддий айланма воситалар
AN121	<i>Хом ашё ва материаллар</i>
AN122	<i>Тугалланмаган ишлаб чиқариш</i>
AN1221	<i>Етиштириладиган биологик ресурслар тугалланмаган ишлаб чиқариши</i>
AN1222	<i>Бошқа тугалланмаган ишлаб чиқариши</i>
AN123	<i>Тайёр маҳсулотлар</i>
AN124	<i>Ҳарбий соҳага йўналтирилган моддий айланма воситалар</i>
AN125	<i>Қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар</i>
AN13	Қимматбаҳо буюмлар
AN131	<i>Қимматбаҳо металллар ва тошлар</i>
AN132	<i>Антиқа буюмлар ва бошқа бадиий буюмлар</i>
AN133	<i>Бошқа қимматбаҳо буюмлар</i>
AN2	ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМАГАН АКТИВЛАР
AN21	Табиий ресурслар
AN211	<i>Ер</i>
AN212	<i>Минерал ва энергетик фойдали қазилмалар ресурслари</i>
AN213	<i>Етиштирилмайдиган биологик ресурслар</i>
AN214	<i>Сув ресурслари</i>
AN215	<i>Бошқа табиий ресурслар</i>
AN2151	<i>Радиотўқинлар диапазонлари</i>
AN2159	<i>Бошқалар</i>
AN22	Шартномалар, ижара битимлари ва лицензиялар
AN221	<i>Муомаладаги операцион лизинг битимлари</i>
AN222	<i>Табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар</i>
AN223	<i>Муайян фаолият турлари билан шугулланиш учун рухсатномалар</i>
AN224	<i>Келажакда истисно тариқасида товар ва хизматларни олиш ҳуқуқи</i>
AN23	Сотувдан ташқари гудвилл ва маркетинг активларини сотиб оли